

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2019.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

Комилова Холидахон Мухтаровна

**СУЮҚЛИК ТРАНСПОРТИРОВКА ҚИЛУВЧИ
ҚУВУРЛАРНИНГ ДИНАМИК ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ
УЧУН МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАР, МЕТОДЛАР ВА
АЛГОРИТМЛАР ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.01.07 – Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи
диссертация ҳимоясиз Scopus халқаро тизимга кирган илмий журналлардаги
мақолалари асосида**

**техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
илмий даражасини бериш бўйича
ТАҚДИМНОМА**

Тошкент – 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
тақдимоти мундарижаси**
**Оглавление презентации диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**
**Contents of dissertation presentation of doctor of philosophy (PhD) on
technical sciences**

Комилова Холидахон Мухтаровна

Суюқлик транспортировка қилувчи қувурларнинг динамик ҳолатини
баҳолаш учун математик моделлар, методлар ва алгоритмлар ишлаб
чиқиш 3

Комилова Холидахон Мухтаровна

Разработка математических моделей, методов и алгоритмов для
оценки динамического поведения трубопроводов, транспортирующих
жидкость..... 22

Komilova Kholidakhon Mukhtarovna

Development of mathematical models, methods and algorithms for
assessing the dynamic behavior of pipelines conveying fluid
..... 42

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 45

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

Комилова Холидахон Мухтаровна

**СУЮҚЛИК ТРАНСПОРТИРОВКА ҚИЛУВЧИ
ҚУВУРЛАРНИНГ ДИНАМИК ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ
УЧУН МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАР, МЕТОДЛАР ВА
АЛГОРИТМЛАР ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.01.07 – Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи
диссертация ҳимоясиз Scopus халқаро тизимга кирган илмий журналлардаги
мақолалари асосида**

**техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
илмий даражасини бериш бўйича
ТАҚДИМНОМА**

Тошкент – 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/T1737 рақами билан рўйхатга олинган.

Такдимнома Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бажарилган.

Такдимнома уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида (www.tuit.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилди.

Илмий раҳбар:

Худаяров Бахтияр Алимович
техника фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Полатов Асхад Мухамеджонович
Физика-математика фанлари доктори, профессор

Анарова Шахзода Аманбоевна
техника фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:


Тошкент давлат техника университети


Такдимнома муҳокамаси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.13/30.12.2019.T.07.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «8» апрел соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 108. Тел.: (+99871) 238-64-43; факс: (+99871) 238-65-52, e-mail: tuit@tuit.uz).


Такдимнома билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (4/2639 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-65-44).

Такдимнома автореферати 2021 йил «26» март куни тарқатилди. (2021 йил «26» феврал даги 5 рақамли реестр баённомаси)




Р.Х.Ҳамдамов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, техника фанлари доктори, профессор


Ф. М. Нуралиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, техника фанлари доктори, доцент


Ш.А. Садуллаева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, физика-математика фанлари доктори

КИРИШ (тақдимотнинг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда нефть ва газни қувур орқали транспортировка қилиш кўплаб давлатларнинг саноати ва ишлаб чиқариш тармоқларининг иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамиятга эгаллиги мамлакатлар қувур транспортининг жадал суратларда ривожланишига эҳтиёж кузатилмоқда. Қувур транспортировкаси бошқа кўринишдаги транспортировкалардан ўзининг юқори экологик хавфсизлиги ва маҳсулотларни иқтисодиёт тармоқларининг белгиланган объектларига узлуксиз таъминлаши билан ажралиб туради. Қувурлар эксплуатацияси жараёнида рўй берадиган турли тасодифий авариялар атроф-муҳитга ва/ёки инсонларга катта зарар етказиши мумкин. Шу сабабли иқтисодиёт тармоқлари, жумладан, нефть-газ саноати, қишлоқ ва сув хўжалиги, уй-жой коммунал хўжалиги ва химия саноати тармоқларида кенг қўлланилаётган суюқлик транспортирка қилувчи композицион қувурлар вибрациясини татқиқ қилиш долзарб масалалардан биридир. Дунёнинг ривожланган мамлакатлари, шу жумладан, АҚШ, Канада, Буюк Британия, Германия, Франция, Россия Федерацияси, Хитой, Саудия Арабистони ҳамда Туркия тадқиқотчилари томонидан суюқлик транспортировка қилувчи эластик горизонтал ва вертикал қувурлар, қовушқоқ-эластик композицион қувурларга таъсир этувчи турли факторлар ҳисобга олинган ҳолда уларда содир бўладиган тебранишларни камайтириш ва уларнинг ишончли эксплуатациясини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда

Жаҳонда ёпишқоқ-эластиклик хусусиятига эга композицион қувурлар турғунлиги ва тебраниши жараёнларининг математик моделларини ишлаб чиқиш, аналитик ва сонли ечиш методлари, ҳисоблаш алгоритмлари ҳамда компьютер дастурларини яратиш бўйича кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан, бир ва икки фазали суюқлик оқиб ўтаётган қувурлар, ўзгармас ва ўзгарувчан тезликка эга суюқликлар оқиб ўтаётган қувурлар, стационар ва ностационар кучлар ҳамда мужассамлашган массалар таъсири остида қувурлар тебраниши жараёнини таҳлил қилиш ва суюқлик критик тезликларини аниқлаш муҳим тадқиқот мавзулари сифатида қаралади.

Республикамызда нефть-газ саноати, қишлоқ ва сув хўжалиги, уй-жой коммунал хўжалигида мураккаб кўринишдаги муҳандислик композицион ва полимер-композицион қувурлари системасини лойиҳалаш ва барпо этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифани амалга

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

ошириш, жумладан нефть-газ саноати тармоқлари, аҳолини сув билан таъминлаш корхоналари ва гидротехник иншоотларнинг сув чиқариш қувурларининг тебраниш жараёни муаммоларини ҳал этишнинг динамик усуллари, алгоритмлари ва ҳисоблаш дастурларини ишлаб чиқиш муҳим илмий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони, 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сон «Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 11 ноябрдаги ПҚ-4522-сон “Нефть ва газ геология-қидирув ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 25 сентябрдаги «Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-3286-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятларга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу илмий тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. “Математика, механика, иншоотлар сейсמודинамикаси ва информатика” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Сўнгги йилларда стержен ва цилиндрик қобик кўринишдаги қувурларнинг тебраниши ва кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини баҳолаш бўйича тадқиқотлар олиб борилган, жумладан, М.Р. Païdoussis, R.A. Ibrahim, Jan Łuczko, Andrzej Czerwiński, Amir Mehdi Dehrouyeh-Semnani, Esmaeil Dehdashti, Marco Amabili, Francesco Pellicano, Ye Tang, M.G. Kang, Liu Long, Xuan Fuzhen, Kuiper GL, Metrikine AV, Daniel G Gorman, Jason M Reese, Li Yun-dong, E.M. Attia, L.N. Panda, R.C. Kar, Jialin Tian, Changfu Yuan, Lin Yang ишларида. Эйлер-Бернулли тенгламалари билан ифодаланган балка типидagi эластик асосга эга қувурларнинг чизиксиз тебраниши ҳолати Xi Song, Shi-Rong Li, Silvia Petkova, Dimitar Kisliakov, Yordan Yordanov, Jiantao Li, Hua Deng, Wenjun Jiang илмий ишларида тадқиқ қилинган. Маҳаллий олимлардан Т.Рашидов, Т.Ш. Ширинқулов, И.С. Сафаров, Х. Худайназаров, Т. Мавлянов, Б.А. Худаяров, Р.А. Абдиқаримов, Ш.Бобоназаровлар стержен ҳамда цилиндрик типдаги эластик, ёпишқоқ-эластик қувурларнинг тебраниши, мустаҳкамлиги билан боғлиқ бўлган масалалар ва уларнинг ечимлари устида изланишлар олиб борганлар.

Шу билан бирга ёпишқоқ-эластиклик хусусиятга эга бўлган материаллардан тайёрланган қувурлар тебраниш жараёнлари етарли таҳлил қилинмаган, икки фазали суюқлик транспортировка қилувчи ёпишқоқ-эластик қувур тебраниш жараёнининг математик модели ишлаб чиқилмаган. Қувурларга таъсир қилувчи ташқи кучлар, пульсацияли оқим, бир ва икки

параметрли асосга бўлган ҳамда осма қувурларнинг тебраниш жараёнлари, суюқлик оқими критик тезлигини аниқлаш методикаси, моделлаштириш масалаларининг ҳисоблаш усуллари етарли даражада ишлаб чиқилмаган ва ривожлантирилмаган. Шу сабабли, предмет соҳалардаги жараёнлар ва ҳодисаларни адекват равишда тавсифловчи математик моделларни ҳамда ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқиш талаб қилинади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг ҚХА-13-001 «Ичидан суюқлик оқиб ўтувчи ёпишқоқ-эластик қувурлар тебраниш жараёнини математик моделлаштириш» (2015-2017) мавзусидаги лойиҳа ва №-2018-224 «Дифференциал тенгламалар ечимлари ва уларнинг инженерлик масалаларига тадбиқи» (2017-2020) институт илмий-тадқиқот ишлари мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади суюқлик транспортировка қилувчи ёпишқоқ-эластик қувурлар динамик жараёнларини баҳолаш учун математик моделлар, методлар, ҳисоблаш алгоритмлари ва компьютер дастурларини яратишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўзгармас ва пульсацияли суюқлик транспортировка қилувчи Винклер, Пастернак ва Hetenyi' моделлари бўйича қувур асоси ҳисобга олинган ёпишқоқ-эластик қувурларнинг чизиқли ва чизиқсиз тебранишлари жараёнининг математик моделларини ишлаб чиқиш;

икки фазали суюқлик оқаётган ёпишқоқ-эластик қувур тебраниши жараёнининг математик моделларини ишлаб чиқиш;

ташқи таъсир кучлари ҳисобга олинган ёпишқоқ-эластик қувур тебраниши жараёнларининг математик моделларини ишлаб чиқиш;

суюқлик транспортировка қилувчи ёпишқоқ-эластик қувурлар тебраниши масалаларининг дискрет моделларини ишлаб чиқиш;

моделлаштириш масалалари ечимларининг зарурий аниқлиги ва наслий ёпишқоқ-эластик назарияси бўйича махсуслик ҳисобга олинган моделларда ҳисоблаш жараёнининг турғунлигини таъминлайдиган ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқиш;

қувур тебраниши жараёнларини моделлаштириш масалалари синфининг алгоритмлари асосида комплекс компьютер дастурларини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида суюқлик транспортировка қилувчи ёпишқоқ-эластик қувурларнинг тебраниш жараёнлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети суюқлик транспортика қилувчи ёпишқоқ-эластик қувурлар тебраниш жараёнларининг математик модели, шунингдек, ҳисоблаш методлари, алгоритмлари ва компьютер дастурлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Наслий ёпишқоқ-эластиклик назарияси методлари; балка назариясининг математик методлари; интеграл ва интегро-дифференциал тенгламаларни сонли усулда ечиш методлари; амалий

комплекс компьютер дастурлари яратиш ва ҳисоблаш экспериментлари ўтказиш методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўзгармас ва пульсацияли тезликка эга суюқлик оқиб ўтаётган ҳамда мужассамланган массалар, ички ва ташқи кучлар ҳисобга олинган ҳолда ёпишқоқ-эластик қувур тебраниш жараёнларининг математик моделлари ишлаб чиқилган;

икки фазали суюқлик оқаётган ёпишқоқ-эластик қувур асоси ва геометрик чизиксизликни ҳисобга олинган ҳолда қувур тебраниши жараёнининг математик модели ишлаб чиқилган;

қувурлардаги суюқлик оқими критик тезлигини аниқлаш методикаси ва ёпишқоқ-эластик қувурлар тебраниш жараёнлари сингуляр ядроли интегро-дифференциал тенгламаларини ечишнинг квадратур формулаларга асосланган ҳисоблаш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

суюқлик транспортирка қилувчи ёпишқоқ-эластик қувурлардаги оқим критик тезликларини аниқлаш, мужассамланган массалар, қувурга таъсир этувчи кучлар, қувур материали ёпишқоқлик хусусиятлари ҳамда Винклер, Пастернак ва Hetenyi' моделлари асосида қувур асосларининг тебраниш жараёнига таъсирини тадқиқ қилиш учун комплекс компьютер дастурларининг тузилмаси яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Винклер модели асосида ёпишқоқ-эластик асос хусусияти ҳисобга олинган қувур тебраниш жараёнининг математик модели, ҳисоблаш алгоритми ва компьютер дастури ишлаб чиқилган;

икки параметрли Пастернак модели бўйича қувур асоси ҳисобга олинган ҳолда ичидан икки фазали суюқли оқим ўтаётган ёпишқоқ-эластик қувурнинг чизикли ва чизиксиз тебранишларини таҳлил қилиш, оқим критик тезлиги аниқлаш усуллари, алгоритмлари ва дастурлари ишлаб чиқилган;

пульсацияли оқимнинг қувурнинг чизикли ва чизиксиз тебранишига, Hetenyi' модели бўйича қувур ёпишқоқ-эластик асоси ҳисобга олинган осма қувурларнинг тебраниши жараёнини тадқиқ қилиш ва оқим критик тезликларини аниқлашнинг усуллари ишлаб чиқилган;

ёпишқоқ-эластик қувурларга стационар ташқи кучлар ва мужассамлашган массаларнинг қувур тебранишини сонли усул асосида ҳисоблаш имконини берувчи алгоритмлар ва дастурлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ёпишқоқ-эластиклик назарияси, балкалар назарияси, интегро-дифференциал тенгламаларни сонли ечиш усуллари кўллаш ҳамда қувурларнинг тебраниши жараёнлари натижалари хорижий илмий журналлардаги муаллифларнинг натижалари билан таққосланганлиги, сонли ечимларнинг хусусий ҳолда аналитик ечимлар билан ўзаро солиштирилганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти наслий деформацияланувчан ёпишқоқ-

эластик назариясининг интеграл моделлари асосида бир ва икки фазали қувурларнинг тебранишларининг ҳаракат тенгламалари ва ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқишдан иборат. Ишлаб чиқилган математик моделлар, ҳисоблаш алгоритмлари ва компьютер дастурлари нефть-газ қувурлари ва гидротехник иншоотларида сув чиқариш қувурларини лойиҳалаштириш ҳамда математик моделлаштириш назариясига муҳим ҳисса қўшиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қувур материали ва қувур асосининг ёпишқоқ-эластиклик хусусиятлари, суюқлик оқимининг ўзгармас ва пульсацияли ҳаракати ҳамда қувурларга таъсир этувчи турли ташқи факторларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган математик моделлар, ҳисоблаш алгоритмлари ва компьютер дастурлари сув хўжалиги, химия ва нефть-газ саноати масалаларини ечишда ҳамда таълим жараёнига қўлланиши билан изоҳланади

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Суюқлик транспортировка қилувчи қувурларнинг динамик ҳолатини баҳолаш учун математик моделлар, методлар ва алгоритмлар ишлаб чиқиш асосида:

турли аралашмали суюқликнинг сув чиқариш қувури тебраниш жараёнига таъсири, сув омборлари сув чиқариш қувурларига ташқи кучларнинг таъсири ва грунтли асоснинг икки фазали суюқлик оқиб ўтаётган сув чиқариш қувури тебраниши жараёнига таъсирини баҳолаш учун «Чимқўрғон» сув омборида жорий қилинган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 13 февралдаги №02/25-543-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижалари қувурларнинг мустақамлигини ва уларнинг турли ташқи кучларга чидамлигини аниқлаш мақсадида муҳандислик ҳисобларини ўтказишга кетадиган вақтни 1,4 марта камайтириш имконини берган;

икки фазали суюқликлар ва қувур грунтли асосининг ҳамда қувур материали реологик параметрларнинг таъсирини баҳолаш учун Андижон сув омборидаги сув чиқариш қувурларига жорий қилинган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 13 февралдаги №02/25-543-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижаларининг қўлланиши сув омбори сув чиқариш қувурларида юзага келадиган ўзгарувчан оқим тезлиги, қувурда босим ўзгариши ва қувурларнинг яроқлилигини аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг назарий ва амалий натижалари, жумладан 2 та халқаро ва 4 та республика миқёсидаги илмий техникавий ва илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот иши бўйича жами 19 та илмий иш эълон қилинган бўлиб, жумладан, Scopus рефератив базага кирувчи юқори импакт факторли халқаро журналларда 8 та, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 2 та мақола журналларда нашр этилган ҳамда Ўзбекистон

Республикаси интеллектуал мулк агентлигидан 2 та ЭХМ учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилиш гувоҳномалари олинган.

ТАҚДИМОТНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

1. Численное моделирование колебаний вязкоупругих трубопроводов, транспортирующих двухфазное пробковое течение. Вестник Томского Государственного Университета Математика и механика. 2019, №61 Стр.95-110. DOI 10.17223/19988621/61/9

Мақолада икки фазали суюқлик транспортировка қилувчи ва ички босим ҳисобга олинган ҳолда ёпишқоқ-эластик горизонтал қувур тебранишининг математик модели яратилган. Ичидан газ аралашмали суюқлик ўтувчи қувур тебранишини тадқиқ қилишда балка назариясининг ёпишқоқ-эластик моделидан фойдаланилган. Қувур материали ёпишқоқ-эластиклик хоссасини ифодалаш учун Больцман-Вольтерр наслий ёпишқоқ-эластиклик назариясининг кучсиз сингуляр ядроси қўлланилган. Релаксация ядроси сифатида Колтунов-Ржаницын ядроси танланган.

Икки фазали суюқлик транспортировка қилувчи ва ички босим ҳисобга олинган ҳолда ёпишқоқ-эластик горизонтал қувур тебранишининг ҳаракат тенгламаси қуйидаги кўринишда бўлади:

$$EI(1 - R^*) \frac{\partial^4 w}{\partial x^4} + 2(m_L U_L + m_g U_g) \frac{\partial^2 w}{\partial t \partial x} + (m_L U_L^2 + m_g U_g^2 - N_0 + A_{Lp} P_i) \frac{\partial^2 w}{\partial x^2} + (m_L + m_g + m_p) \frac{\partial^2 w}{\partial t^2} = 0. \quad (1)$$

Бу ерда E -эластиклик модули; EI –эгилиш бикрлиги; L – қувур узунлиги (расм.1); x – қувур бўйлама ўқининг координатаси; $w(x, t)$ – t вақт моментдаги x кесимдаги эгилиш; m_L , m_g ва m_p – қувур бирлик узунлигидаги мос равишда, суюқлик, газ ва қувур массаси; A_p – қувур кўндаланг кесим юзаси; U_L , U_g – суюқлик ва газ оқими тезлиги; P_i – ички босим; $A_{Lp} = \pi r_1^2$; r_1 , A_{Lp} – мос равишда қувурнинг ички радиуси ва кўндаланг кесими юзаси; N_0 – тортувчи (сиқувчи) куч; R^* -интеграл оператор: $R^* \varphi(t) = \int_0^t R(t - \tau) \varphi(\tau) d\tau$;

$R(t - \tau)$ – Колтунов-Ржаницыннинг релаксация ядроси.

(1) тенгламанинг тақрибий ечимини қуйидаги кўринишда излаймиз:

$$w(x, t) = \sum_{n=1}^N w_n(t) \varphi_n(x) \quad (2)$$


бунда $w_n(t)$ - аниқланадиган номаълум функция, $\varphi_n(x)$ функция шундай танланганки, (2) йиғиндининг ҳар бир ҳади чегаравий шартларни

каноатлантиради. (2) функцияни (1) тенгламага қўямиз ва Бубнов-Галеркин процедурасини қўллаймиз. Ўлчовсиз миқдорлар киритамиз ва аввалги белгилашларни сақлаган ҳолда w_n нисбатан интегро-дифференциал тенгламалар системасини ҳосил қиламиз:

$$\sum_{n=1}^N \Delta_{kn} \ddot{w}_n + 2 \sum_{n=1}^N G_{Lg, kn} \dot{w}_n - \sum_{n=1}^N P_{Lg, kn} w_n + \alpha_{0k} (\bar{N}_0 - \pi P_0) w_k + \alpha_{0k}^2 (1 - R^*) w_k = 0, \quad (3)$$

$$w_n(0) = w_{0nm}; \quad \dot{w}_n(0) = \dot{w}_{0nm}; \quad k = 1, 2, \dots, N.$$

Бу ерда $\Delta_{kn} = \theta_{Lkn} + \theta_{gkn}$; $G_{Lg, kn} = \beta_L u_L \gamma_{Lkn} + \beta_g u_g \gamma_{gkn}$; $P_{Lg, kn} = \alpha_{0n} (\theta_{Lkn} u_L^2 + \theta_{gkn} u_g^2)$;
 $\theta_{gkn} = \int_0^{\bar{L}_1} \varphi_n(x) \varphi_k(x) dx$; $\theta_{Lkn} = \int_{L_1}^1 \varphi_n(x) \varphi_k(x) dx$; $\gamma_{gkn} = \frac{1}{n\pi} \int_0^{\bar{L}_1} \varphi'_n(x) \varphi_k(x) dx$; γ_{Lkn} ,
 β_g , \bar{P}_i , u_L , u_g , β_L , α_{0k} , \bar{N}_0 , \bar{L}_1 -ўлчовсиз параметрлар.



Расм.1. Қувур қисмининг геометрияси

Интегро-дифференциал тенгламанинг ечими квадратур формулаларга асосланган сонли ўсул ёрдамида аниқланади. (3) тенгламани t бўйича икки марта интеграллаймиз ва R^* интеграл операторда сингуляр махсусликни рационал алмаштириш ёрдамида йўқотамиз. Натижада, $t=t_i$, $t_i=i\Delta t$, $i=1, 2, \dots (\Delta t=const)$ ўрнига қўйиш ва $w_{ikl}=w_{kl}(t_i)$ миқдорни ҳисоблаш учун интегралларни трапеция квадратур формуласи билан алмаштириш ёрдамида, Колтунов – Ржаницын $\left(R(t) = A \cdot \exp(-\beta t) \cdot t^{\alpha-1}, 0 < \alpha < 1 \right)$ ядроси учун қуйидаги формулани ҳосил қиламиз:

$$\sum_{n=1}^N (\Delta_{kn} + C_i G_{Lg, kn}) w_{in} = \sum_{n=1}^N \Delta_{kn} (w_{0n} + \dot{w}_{0n} t_i) + \sum_{n=1}^N G_{Lg, kn} w_{0n} t_i - \sum_{j=0}^{i-1} C_j \left\{ \sum_{n=1}^N G_{Lg, kn} w_{jn} - (t_i - t_j) \left(\sum_{n=1}^N P_{Lg, kn} w_{jn} + \alpha_{0k} (\bar{N}_0 - \pi \bar{P}_0) w_{jk} + \alpha_{0k}^2 \left(w_{jk} - \frac{A}{\alpha} \sum_{s=0}^j B_s \exp(-\beta t_s) w_{j-s, k} \right) \right) \right\}, \quad (4)$$

$i=1, 2, 3, \dots$; бу ерда C_j , B_s - трапеция квадратур формулаларининг сонли коэффициентлари.

1-жадвалда оқим критик тезликларининг қувур физик-механик ва геометрик параметрларига боғлиқлиги кўрсатилаган. Жадвалдан кўринадики,

$A = 0$ эластик ҳолда u_{gcr} критик тезлик қиймати 3.133, $A = 0.1$ ёпишқоқ-эластик қувур учун 1.911 қийматга тенг бўлади. Ёпишқоқ-эластик қувур учун газ оқими критик тезлиги қиймати эластик қувур критик тезлигига нисбатан 39% фоизга камаяди.

1- Жадвал

Икки фазаги оқим критик тезлигининг қувур физик-механик ва геометрик параметрларига боғлиқлиги

| A | α | β | β_L | β_g | \bar{L}_1 | \bar{N}_0 | \bar{P}_i | u_L | $u_{g,cr}$ |
|-------|----------|---------|-----------|-----------|-------------|-------------|-------------|-------|------------|
| 0 | | | | | | | | | 3.133 |
| 0.005 | 0.25 | 0.05 | 0.02 | 0.01 | 0.27 | 0.025 | - | 0.3 | 3.086 |
| 0.05 | | | | | | | | | 2.610 |
| 0.1 | | | | | | | | | 1.911 |
| | | | | | | | | | |
| 0.01 | 0.02 | 0.05 | 0.02 | 0.01 | 0.27 | 0.025 | - | 0.3 | 2.159 |
| | 0.05 | | | | | | | | 2.760 |
| | 0.1 | | | | | | | | 2.942 |
| | 0.75 | | | | | | | | 3.062 |
| 0.01 | 0.25 | 0.01 | 0.02 | 0.01 | 0.27 | 0.025 | - | 0.3 | 3.031 |
| | | 0.08 | | | | | | | 3.037 |
| | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | |
| 0.01 | 0.25 | 0.05 | 0.001 | 0.01 | 0.27 | 0.025 | - | 0.3 | 3.044 |
| | | | 0.1 | | | | | | 3.051 |
| | | | 0.7 | | | | | | 3.034 |
| | | | | | | | | | |
| 0.01 | 0.25 | 0.05 | 0.02 | 0.007 | 0.27 | 0.025 | - | 0.3 | 3.038 |
| | | | | 0.1 | | | | | 3.041 |
| | | | | 0.5 | | | | | 3.055 |
| | | | | | | | | | |
| 0.01 | 0.25 | 0.05 | 0.02 | 0.01 | 0.2 | 0.025 | - | 0.3 | 3.042 |
| | | | | | 0.3 | | | | 3.033 |
| | | | | | 0.32 | | | | 3.027 |
| | | | | | | | | | |
| 0.01 | 0.25 | 0.05 | 0.02 | 0.01 | 0.27 | 0 | - | 0.3 | 3.027 |
| | | | | | | 0.1 | | | 3.051 |
| | | | | | | 3 | | | 3.489 |
| | | | | | | 6 | | | 3.894 |
| | | | | | | 15 | 4.918 | | |
| 0.01 | 0.25 | 0.05 | 0.02 | 0.01 | 0.27 | 0.025 | 0.5 | 0.3 | 2.771 |
| | | | | | | | 1 | | 2.472 |
| | | | | | | | 2 | | 1.717 |
| | | | | | | | 2.5 | | 1.189 |


2. Vibration and dynamic stability of composite pipelines conveying a two-phase fluid flows. Engineering Failure Analysis. 2019, Vol.104, Pp. 500-512. <https://doi.org/10.1016/j.engfailanal.2019.06.025>

Мақолада икки фазаги оқимни транспортировка қилувчи қувур тебраниш жараёнини тадқиқ қилиш натижалари берилган. Ичидан газ-суюқлик оқаётган қувур тебранишини тадқиқ қилишда ёпишқоқ эластик балка назарияси модели ва Винклер модели бўйича қувур асоси ҳисобга олинган.

Икки фазаги пробкали оқим транспортировка қилувчи ва конструкция материали ёпишқоқлик хусусияти ва грунтли асос ҳисобга олинган ҳолда қувур тебранишининг ҳаракат тенгламаси куйидаги кўринишда бўлади:


$$\begin{aligned}
& EI(1-R^*)\frac{\partial^4 w}{\partial x^4} + 2(m_L U_L + m_g U_g)\frac{\partial^2 w}{\partial t \partial x} + \\
& (m_L U_L^2 + m_g U_g^2)\frac{\partial^2 w}{\partial x^2} + (m_L + m_g + m_p)\frac{\partial^2 w}{\partial t^2} + \\
& k_1(1-R_1^*)w - \left[N_0 + \frac{E(1-R^*)A_0}{2L} \int_0^L \left(\frac{\partial w}{\partial x} \right)^2 dx \right] \frac{\partial^2 w}{\partial x^2} = 0.
\end{aligned} \tag{5}$$

Кувур тебранишига оқим суюқлик фазаси u_L тезлигининг таъсири ўрганилди. Ёпишқоқ-эластик ($A=0.01$) кувур ва грунт асоси ($A_1 = 0.01$) ҳисобга олинган ҳолда суюқлик фазаси тезлигининг $u_L=1.4$ (1-эгри чизик); $u_L=2.92$ (2-эгри чизик) ҳар хил қийматларида кувур эгилиш функциясининг графиклари 2-расмда келтирилган. Суюқлик фазаси тезлигининг $u_L=1.4$ қийматида кувур тебраниш амплитудаси сўнади. Суюқлик фазаси тезлиги $u_L=2.92$ гача оширилганда кувур тебраниш амплитудаси вақт ўтиши билан тезда ўсади. Бунинг сабаби, суюқлик фазаси тезлиги оқим критик тезлигидан каттадир. Натижада, амплитудаси вақт ўтиши билан ўсиб борадиган тебранма ҳаракат конструкциянинг турғунлигини йўқотишга олиб келади.



2-расм. Оқим суюқлик фазасининг $u_L=1.4$ (1-эгри чизик); $u_L=2.92$ (2-эгри чизик) тезликларига $w(t)$ эгилишнинг боғлиқлиги.

k_w Винклер асос параметрининг тебраниш жараёнига таъсири тадқиқ қилинди (3-расм). Графикдан кўринадики, грунтли асоснинг $k_w=4.8$ (1-эгри чизик) ва $k_w=5.1$ (2-эри чизик) иккита қийматлари учун $u_L=1.5$ ва $u_g=2.81$ тезликда кувурда динамик нотурғунлик ҳосил бўлади, кувур тебраниши амплитудаси вақт ўтиши билан тезда ўсишга олиб келади.



3-расм. $k_w=4.8$ (1-эгри чизик); $k_w=5.1$ (2-эгри чизик) қийматларда қувор w эгилишининг t вақтга боғлиқлиги.

3.The effect of two-parameter of Pasternak foundations on the oscillations of composite pipelines conveying gas-containing fluids. International Journal of Pressure Vessels and Piping №176 (2019) 103946. DOI: [10.1016/j.ijpvp.2019.103946](https://doi.org/10.1016/j.ijpvp.2019.103946)

Мақолада ёпишқоқ-эластик икки параметрли Пастернак асоснинг икки фазали оқимни транспортировка қилувчи композицион қувор тебранишига таъсири тадқиқ қилинган. Ичидан газ-суюқлик оқаётган қувор тебранишини тадқиқ қилишда ёпишқоқ эластик балка назарияси модели ва Пастернак модели бўйича қувор асоси ҳисобга олинган.

Газ-суюқлик оқаётган композицион қуворларнинг интегро-дифференциал ҳаракат тенгламаси қуйидагидан иборат

$$EI(1 - R^*) \frac{\partial^4 w}{\partial x^4} + 2(m_L U_L + m_g U_g) \frac{\partial^2 w}{\partial t \partial x} + (m_L U_L^2 + m_g U_g^2) \frac{\partial^2 w}{\partial x^2} + (m_L + m_g + m_p) \frac{\partial^2 w}{\partial t^2} + (1 - R_1^*) \left[k_1 w - k_2 \frac{\partial^2 w}{\partial x^2} \right] - \left[N_0 + \frac{E(1 - R^*) A_0}{2L} \int_0^L \left(\frac{\partial w}{\partial x} \right)^2 dx \right] \frac{\partial^2 w}{\partial x^2} = 0. \quad (6)$$


Бу ерда k_1 - грунтнинг вертикал қисилишида унинг қолдиқ қисми билан интенсивлигини боғловчи сиқувчи коэффициент; k_2 -қўзғалиш коэффициенти.

2-Жадвал

k_w параметрнинг ҳар хил қийматлари учун критик тезлик қийматлари

| k_w | Doare and de Langre | Chellapilla and Simha | Present work |
|----------|---------------------|-----------------------|--------------|
| 1.00E+00 | 3.1577 | 3.15768 | 3.1565 |
| 1.00E+01 | 3.2989 | 3.29891 | 3.2996 |
| 1.00E+02 | 4.4723 | 4.47233 | 4.4789 |
| 2.00E+02 | 5.4894 | 5.48943 | 4.9040 |

Сонли натижаларнинг ишончлиги тест масала мисолида исботланади. Тадқиқотлар натижаларидан кўринадики, хусусий ҳолда бир фазали суюқлик транспортировка қилувчи ($A = A_1 = 0$) эластик қувурни сонли моделлаштиришда олинган натижалар Chellapilla and Simha², Doare and de Langre³ (2-жадвал) натижалари билан устма уст тушади.



4-расм. $k_w = k_p = 2.4$ (1-эгри чизик) ва $k_w = k_p = 2.95$ (2-эгри чизик) қийматларда қувур w эгилишининг t вақтга боғлиқлиги.

Пастернак модели бўйича k_w ва k_p параметрларнинг қувур тебранишига таъсири тадқиқ қилинди (4-расм). Графикдан кўринадики, асоснинг бикрлиги ошиши тебраниш частотаси ошишига олиб келади.

4.Numerical Simulation of Vibration Composite Pipelines Conveying Pulsating Fluid. International Journal of Applied Mechanics. 2019, Vol.11, No.09. 1950090 <https://doi.org/10.1142/S175882511950090X>

Суюқлик транспортировка қилувчи композицион материалдан иборат стержен типдаги L узунликдаги қувурнинг тўғри чизиқли қисмини ўрганамиз. Тўғри бурчакли координаталар системасини шундай танлаймизки, x ўқи бўйлаб қувур кесими оғирлик маркази ўтсин ва координата боши қувурнинг чап учига бўлсин. Қувур ўқи нуқта координаталарининг ордината ўқи бўйлаб кўчишини номаълум $w(x, t)$ эгилиш функцияси ташкил қилсин. Қувур горизонтал ва ҳаракат текис деб фараз қиламиз. Ундан ташқари, қувурнинг кўндаланг вибрацияси Эйлер-Бернулли балкасини ифодалайди ва суюқлик пульсацияли оқимга эга. Пульсацияли $U_f(t)$ оқим тезлиги гармоник тебранишга эга деб фараз қилинади ва қуйидаги кўринишдаги формула билан ифодаланади:

² Kameswara Rao Chellapilla, H.S.Simha, Critical velocity of fluid-conveying pipes resting on two-parameter foundation. [Journal of Sound and Vibration](https://doi.org/10.1016/j.jsv.2007.05.011). 302(1-2) (2007) 387-397.

³ O. Doarer , E. de Langre, Local and global instability of fluid conveying pipes on elastic foundation. *Journal of Fluids and Structures*. 16 (2002) 1–14.

$$U_f(t) = U_0(1 + \mu_1 \cos \omega t), \quad (7)$$

бу ерда U_0 - суюқликнинг ўзгармас тезлиги, μ_1 - кўзғатувчи коэффициент, ω - суюқлик пульсация частотаси. Оқимнинг пульсацияли тезлиги ҳаракат тенгламасида параметрик ҳад ичида бўлиб, амплитудаси чегараланмаган ҳолда ўсувчи параметрик тебранишга олиб келиши мумкин ва натижада параметрик резонанс ҳолати юз беради.

Суюқлик транспортировка қилувчи қувурнинг ҳаракат тенгламаси таянч Нетенуи' асос, конструкция материали ёпишқоқлик хусусияти, ўк бўйлаб йўналган куч, ички босим ва ёпишқоқ эластик Винклер асосни ҳисобга олган ҳолда қуйидаги кўринишда бўлади:

$$EI(1 - R^*) \frac{\partial^4 w}{\partial x^4} + 2m_f U_f \frac{\partial^2 w}{\partial t \partial x} + m_f(L - x) \frac{\partial U_f}{\partial t} \frac{\partial^2 w}{\partial x^2} + (m_f + m_p) \frac{\partial^2 w}{\partial t^2} + \left[m_f U_f^2 - N_0 + A_p P_i(1 - 2\nu) \right] \frac{\partial^2 w}{\partial x^2} + (1 - R_1^*) \left[k_1 w + B \frac{\partial^4 w}{\partial x^4} \right] = 0. \quad (8)$$

Бу ерда B – туташ қатлам эгилишидаги бикрлик.


Кўзғатувчи коэффициентнинг оқим критик тезлигига таъсири ўрганилди. Кўзғатувчи μ_1 коэффициентнинг ўсиши $U_{f,cr}$ критик тезлик ўзгаришига сезиларли таъсир қилади. $\mu_1=0.1$; $\mu_1=0.3$; $\mu_1=0.5$ ва $\mu_1=0.75$ (3-жадвал) қийматлар учун тадқиқотлар ўтказилди. Жадвалдан кўринадики, кўзғатувчи μ_1 коэффициентнинг ўсиши суюқлик оқими критик тезлиги камайишига олиб келади.

Суюқлик пульсация частотасининг $U_{f,cr}$ критик тезликка таъсири ўрганилди. $\omega=5$, 7 ва 15 қийматлар учун ҳисоблаш ишлари бажарилди. 2-жадвалдан кўринадики, частотанинг $\omega=5$ қийматида $U_{f,cr}$ критик тезлик 2.363 қийматга, $\omega=15$ қийматда критик тезлик 1.669 қийматни ташкил қилади. Частотанинг $\omega=5$ ва $\omega=15$ қийматларида оқим критик тезликлари орасидаги фарқ 29.4% ташкил қилади.

5-расмда келтирилган ҳисоблаш натижалари муҳим қизиқиш ўйғотади. Натижалар кўзғатувчи коэффициентнинг $\mu_1=0.1$ (1-эгри чизик), $\mu_1=0.5$ (2-эгри чизик) қийматларига тегишлидир. Расмдан кўринадики, пульсацияли суюқлик оқаётган қувур тебраниш амплитудаси вақт ўтиши билан сўнади (1, 2 эгри чизиклар). Кўзғатувчи коэффициентнинг ўсиши тебраниш амплитудасининг ўзгаришига олиб келади. Агар кўзғатувчи коэффициент $\mu_1=0.7$ қийматгача ошса, тебраниш амплитудаси вақт ўтиши билан тезда ўсиб боради, бу эса конструкциянинг зарарланиши ва зарарланган жойларнинг ортишига олиб келиши мумкин.

Суюқлик оқими критик тезлигининг қувурнинг физик-механик ва геометрик параметрларига боғлиқлиги

| β_{fp} | μ_1 | ω | k_w | \bar{P} | \bar{N}_o | G | $U_{f,cr}$ |
|--------------|---------|----------|-------|-----------|-------------|---------------------|------------|
| 0.2 | | | | | | | 2.271 |
| 0.4 | 0.4 | 2.5 | 1 | - | 1 | $8.2 \cdot 10^{-4}$ | 2.265 |
| 0.7 | | | | | | | 2.251 |
| 0.1 | 0.1 | | | | | | 2.737 |
| | 0.3 | 5 | 1 | - | 1 | $8.2 \cdot 10^{-4}$ | 2.447 |
| | 0.5 | | | | | | 1.913 |
| | 0.75 | | | | | | 1.698 |
| 0.1 | 0.4 | 5 | | | | | 2.363 |
| | | 7 | 1 | - | 1 | $8.2 \cdot 10^{-4}$ | 2.018 |
| | | 15 | | | | | 1.669 |



5-расм. $\mu_1=0.1$ (1); $\mu_1=0.5$ (2); $\mu_1=0.7$ (3) қийматларда қувур w эгилишининг t вақтга боғлиқлиги.

5. Dynamic analysis of the suspended composite pipelines conveying pulsating fluid. Journal of Natural Gas Science and Engineering, 75 (2020) 103148. <https://doi.org/10.1016/j.jngse.2020.103148>

Суюқлик транспортировка қилувчи қувурнинг чизиксиз ҳаракат тенгламаси таянч Нетенуи' асос, конструкция материали ёпишқоқлик хусусияти, ўқ бўйлаб йўналган куч, ички босим ва ёпишқоқ эластик Винклер асосни ҳисобга олган ҳолда қуйидаги кўринишда бўлади:

$$\begin{aligned}
 & EI(1-R^*) \frac{\partial^4 w}{\partial x^4} + 2m_f U_f \frac{\partial^2 w}{\partial t \partial x} + (m_f + m_p) \frac{\partial^2 w}{\partial t^2} + \\
 & \left[m_f U_f^2 \frac{\lambda L}{4d} + m_f (L-x) \frac{\partial U_f}{\partial t} - \frac{EA_0}{2L} (1-R^*) \int_0^L \left(\frac{\partial w}{\partial x} \right)^2 dx \right] \frac{\partial^2 w}{\partial x^2} + \\
 & + \left[m_f U_f^2 - N_0 + A_p P_i \right] \frac{\partial^2 w}{\partial x^2} + (1-R_1^*) \left[k_1 w + B \frac{\partial^4 w}{\partial x^4} \right] = 0.
 \end{aligned} \tag{9}$$

Қаршилик кучи γ_{Re} параметрнинг ламинар ва пульсацияли оқим критик тезликка таъсири тадқиқ қилинди. γ_{Re} параметрнинг ортиши (ёки Рейнольдс сони қиймати камайиши) билан оқим критик тезлиги камаяди. Рейнольдс сонининг катта (ёки қаршилик кучи қичик) қийматларида ламинар оқим режими нотурғун ҳолатга келади ва турбулент режим ўтади. Рейнольдс сонининг суяқлик оқими критик тезлиги аниқланган қиймати Рейнольдс сонининг критик қийматини ташкил қилади. Қаршилик кучининг 0.0234375; 0.046875; 0.375; 0.75; 1.5; 1.875 қийматларига 2.264; 2.237; 1.832; 1.624; 1.451; 1.353 оқим критик тезлик қийматлари мос келади. 4-жадвалда худди шундай натижалар ламинар оқим учун келтирилган. Ламинар оқимда ҳам γ_{Re} қаршилик кучининг ошиши оқим критик тезлиги камайишига олиб келади.

4-жадвал

Суяқлик оқими критик тезлигининг қувурнинг физик-механик ва геометрик параметрларига боғлиқлиги

| β_{fp} | k_w | \bar{p} | \bar{N}_o | G | γ_{Re} | μ_1 | $U_{f,cr}$ |
|--------------|-------|-----------|-------------|---------------------|---------------|---------|--------------|
| 0.32 | 1 | 1 | 1 | $8.2 \cdot 10^{-4}$ | 0.0234375 | 0.4 | 2.264 |
| | | | | | 0.046875 | | 2.237 |
| | | | | | 0.375 | | 1.832 |
| | | | | | 0.75 | | 1.624 |
| | | | | | 1.5 | | 1.451 |
| | | | | | 1.875 | | 1.353 |
| 0.32 | 1 | 1 | 1 | $8.2 \cdot 10^{-4}$ | 0.1875 | 0 | 2.795 |
| | | | | | | 0.1 | 2.566 |
| | | | | | | 0.2 | 2.315 |
| | | | | | | 0.3 | 2.201 |
| | | | | | | 0.4 | 1.969 |
| | | | | | | 0.45 | 1.920 |

6. Numerical simulation of vibration of composite pipelines conveying fluids with account for lumped masses. International Journal of Pressure Vessels and Piping 179 (2020) 104034

Мақолада мужассамлашган массани ҳисобга олган композицион қувур вибрацияси масаласи тадқиқ қилинади. Суяқлик оқимини транспортировка қилувчи, таянч Винклер асос ва мужассамлашган масса ҳисобга олинган ҳолда қувур ҳаракати математик модели яратилган. Бир жинсли стерженда умумий N та нукталарда x_r координатали M_r массалар жойлашган бўлиб, массалар тақсимоти куйидагича бўлсин


$$M(x) = m_f + m_p + \sum_{r=1}^N M_r \delta(x - x_r), \quad (11)$$

бу ерда δ - Дирак дельта-функцияси; m_p – бирлик узунликка мос қувур массаси.


8-расмда келтирилган ҳисоблаш натижалари муҳим аҳамият касб этади. Натижалар қувур мужассамлашган массали ва массасиз ҳолатга тегишлидир.

8-расмда мужассамлашган масса ҳисобга олинган қувур марказий нуқтасининг ҳаракати келтирилган. Расмдан кўринадики, мужассамлашган масса $M_1=100$ (2-эгри чизик) бўлган ҳолда ҳаракат нотурғун бўлади, мужассамлашган масса $M_1=0$ бўлган ҳолда конструкция ҳаракати секин сўнувчи тебранишга келади.


Мужассамлашган масса ўрнининг қувур тебранишига таъсири тадқиқ қилинди (9-расм). Мужасамлашган массалар қуйидаги нуқталарда жойлашган: $x_r=L/2$ (1-эгри чизик); $x_r=L/3$ (2-эгри чизик), $x_r=L/4$ (3-эгри чизик). Расмдан кўринадики, мужассамлашган массаларнинг қувур узунлиги бўйлаб марказдан узоқлашганда тебраниш частотаси ошиб боради.



7-расм. Мужассамлашган массали қувур



8-расм. $M_1=0$ (1); $M_1=100$ (2); $A=0.02$; $\alpha=0.25$; $\beta=0.05$; $A_1=0.15$; $\alpha_1=0.2$; $\beta_1=0.01$; $\beta_{fp}=0.32$; $k_w=10$; $\bar{N}_o = 2$; $\bar{P} = 5$; $U_f = 2.67$.




9-расм. $x_r=L/2$ (1); $x_r=L/3$ (2); $x_r=L/4$ (3); $A=0.02$; $\alpha=0.25$; $\beta=0.05$; $A_1=0.15$; $\alpha_1=0.2$; $\beta_1=0.01$; $\beta_{fp}=0.32$; $M_1=0.1$; $\gamma_{Re} = 0.1875$; $\bar{P} = 5$; $\bar{N}_o = 2$.

7. Numerical study of the effect of viscoelastic properties of the material and bases on vibration fatigue of pipelines conveying pulsating fluid flow. *Engineering Failure Analysis*. 2020, Vol.115.

<https://doi.org/10.1016/j.engfailanal.2020.104635>

Мақолада ёпишқоқ-эластик қувур тебраниш жараёнининг ташқи стационар кучни ҳисобга олган ҳолда математик моделлаштириш натижалари келтирилган.

10-расмда ёпишқоқ-эластик асос ҳисобга олинган композицион қувур эгилиш функцияси графиги келтирилган. Ҳисоб ишлари қуйидаги стационар кучлар учун бажарилган $q=2$ (1-эгри чизик), $q=5$ (2-эгри чизик) ва $q=8$ (3-эгри чизик). Ҳисоблашларда қуйидаги реологик параметрлардан фойдаланилди: $A=0.1$; $\beta=0.05$; $A_1=0.1$; $\alpha_1=0.25$; $\beta_1=0.05$. Расмдан кўринадики, ташқи куч қийматини оширилганда амплитудаси ўсувчи тебранма ҳаракат кузатилади, бундай вибрация конструкцияни ҳалакатга олиб келади.



10-расм. $q_1 = 2$ (1-эгри чизик); $q_1 = 5$ (2-эгри чизик); $q_1 = 8$ (3-эгри чизик) қийматларда қувур w эгилишининг t вақтга боғлиқлиги.

8. Numerical modeling of vibration fatigue of viscoelastic pipelines conveying pulsating fluid flow. *International Journal of Modeling, Simulation, and Scientific Computing*. Volume 11, Issue 03 (June 2020) 2050024

Мақолада ёпишқоқ-эластик қувур тебраниш жараёнининг математик моделлаштириш натижалари келтирилган.

ХУЛОСА

Ишда наслий ёпишқоқ-эластик назарияси асосида ёпишқоқ-эластик қувурларнинг динамик ҳолатини баҳолаш учун математик моделлар, ҳисоблаш алгоритмлари ва компьютер дастурлари яратилган. Қуйидаги илмий натижалар олинган:

1. Икки фазали суюқлик оқимини транспортировка қилувчи, Винклер ва икки параметрли Пастернак қувур асоси ҳисобга олинган ёпишқоқ-эластик қувур тебранишининг математик модели яратилди.

2. Суюқлик транспортировка қилувчи композицион қувур вибрациясининг математик модели конструкция материали ёпишқоқлик

хусусияти, қаршилиқ кучи ва мужассамлашган массани ҳисобга олган ишлаб чиқиди.

3. Hetenyi' ва Винклер моделлари бўйича қувур асоси, ўқ бўйлаб йўналган кучлар, ички босим ва ташқи кучларни ҳисобга олган ҳолда пульсацияли суюқлик оқимини транспортировка қилувчи қувур ҳаракатининг математик модели яратилди.

4. Икки фазали оқим ўтаётган қувур тебраниш жараёнининг чизиқли ва чизиқсиз масалаларининг ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилди. Яратилган ҳисоблаш алгоритми асосида икки фазали газ-суюқлик оқиб ўтаётган ёпишқоқ-эластик қувур тебраниш жараёнини тадқиқ қилувчи амалий компьютер дастурлари мажмуаси ишлаб чиқилди.

5. Пульсацияли суюқлик оқиб ўтувчи композицион қувур тебраниши масаласи учун кучсиз сингуляр ядроли интегро-дифференциал тенгламаларида махсусликни йўқотишга асосланган ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилди.

6. Пулсацияли суюқлик оқиб ўтувчи композицион қувур вибрацияси амплитуда-вақт бўйича тавсифлари ва турғунлиги деформацияланувчи тизим ва суюқлик оқимининг турли қийматларида тадқиқ қилинди.

7. Икки фазали оқим транспортировка қилувчи композицион қувур тебранишига икки параметрли Пастернак ёпишқоқ-эластик асосининг таъсири сонли таҳлил қилинди.

8. Чизиқли ва чизиқсиз масалаларни сонли моделлаштиришда бир қатор янги динамик самаралар олинди:

- конструкция материали ва қувур асосининг ёпишқоқ-эластик хусусиятлари оқим критик тезлигини 30-50 фоизгача камайтиришига олиб келди;

- қувур материали ёпишқоқ-эластиклик хусусиятини ҳисобга олиш тебраниш амплитудаси ва частотасини 20-40 фоизга камайишига олиб келди;

- газ пуфакчалари тўпланган қисм узунлиги ошиши қувур тебраниш амплитудаси ва частотасини камайишига олиб келди;

- Пастернак ва Винклер асос параметрлари, сингуляр параметр ҳамда Рейнольдс сони қиймати ошиши оқим критик тезлиги ошишига олиб келди;

- суюқлик пульсацияси частотаси, пульсацияли оқимнинг қўзғатувчи коэффициенти, мужассамлашган массалар параметри ва ички босимнинг ошиши оқим критик тезлигини 25-40% камайишга олиб келди;

- туташ қатлам эгилишидаги бикрликни тавсифловчи G асос коэффицент қийматининг ошиши тизимнинг нисбий бикрлиги ва оқим критик тезлиги ўсишига олиб келди;

- бўйлама йўналишда тортувчи куч параметри қийматининг ўсиши қувур мувозанатини сақлашга таъсир қилди;

- қувур узунлиги бўйлаб марказдан мужассамлашган массанинг узоқлашиши тебраниш частотаси ўсишига олиб келди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

Комилова Холидахон Мухтаровна

**РАЗРАБОТКА МАТЕМАТИЧЕСКИХ МОДЕЛЕЙ, МЕТОДОВ И
АЛГОРИТМОВ ДЛЯ ОЦЕНКИ ДИНАМИЧЕСКОГО ПОВЕДЕНИЯ
ТРУБОПРОВОДОВ, ТРАНСПОРТИРУЮЩИХ ЖИДКОСТЬ**

**05.01.07 - Математическое моделирование, численные методы и
комплексы программ**

ПРЕДСТАВЛЕНИЕ

**по присуждению ученой степени доктора философии (PhD) по техническим
наукам без защиты диссертации на основе статьи в научных журналах, входящих в
международную систему Scopus**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.2.PhD/T1737

Представление выполнена в Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства

Презентация на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу (www.tuit.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziyo.net)

Научный руководитель: Худаяров Бахтияр Алимович
доктор технических наук

Официальные оппоненты: Полатов Асхад Мухамеджонович
доктор физико-математических наук, профессор

Анарова Шахзода Аманбоевна
доктор технических наук, доцент

Ведущая организация: Ташкентский государственный технический университет

Обуждение представление состоится « 8 » апреля 2021 г. в 14⁰⁰ часов на заседании научного совета DSc.13/30.12.2019.T.07.01 при Ташкентском университете информационных технологий (Адрес: Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).

С представлением можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий (регистрационный номер № ~~4/263~~ (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-65-44).

Представление разослано « 26 » марта 2021 года.
(протокол рассылки № 6 от « 26 » февраля 2021 года.)



Р.Х.Хамдамов
Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней,
доктор технических наук, профессор

Ф. М.Нуралиев
Учёный секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней,
доктор технических наук, доцент

Ш.А. Садуллаева
Председатель научного
семинара при научном совете
по присуждению учёных степеней,
доктор физико-математических наук

ВВЕДЕНИЕ (аннотация презентации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Трубопроводная транспортировка нефти и газа в мире играет важную роль в экономическом развитии промышленности и производственных секторов многих стран, существует необходимость быстрого развития трубопроводного транспорта в этих странах. Трубопроводный транспорт отличается от других видов транспорта своей высокой экологической безопасностью и бесперебойной подачей продукции на определенные объекты хозяйства. Различные случайные аварии, возникающие во время эксплуатации трубопроводов, могут нанести большой вред окружающей среде и/или людям. Поэтому изучение вибрации композиционных трубопроводов, транспортирующих поток жидкости, которая широко используется в отраслях экономики, включая нефтегазовую отрасль, сельское и водное хозяйство, жилищно-коммунальное хозяйство и химическую промышленность, является одной из актуальных проблем. Исследователи из развитых стран, включая Соединенные Штаты, Канаду, Великобританию, Германию, Францию, Российскую Федерацию, Китай, Саудовскую Аравию и Турцию, приняли во внимание различные факторы, влияющие на гибкие горизонтальные и вертикальные композитные трубы для транспортировки жидкости, особое внимание уделяется снижению вибраций, возникающих в них, и обеспечению их надежной работы.

В мире проводятся обширные научные исследования по разработке математических моделей процессов устойчивости и вибрации композиционных трубопроводов, методов аналитического и численного решения, вычислительных алгоритмов и компьютерных программ, позволяющие исследовать колебательные процессы вязкоупругих трубопроводов. В связи с этим анализ процесса вибрации трубопроводов под воздействием стационарных и нестационарных сил и сосредоточенных масс, а также определение критических скоростей жидкостей считаются важными темами исследований, включая однофазные и двухфазные потоки жидкости, жидкости с постоянными и переменными скоростями.

В нашей стране особое внимание уделяется проектированию и строительству сложных систем инженерных композиционных и полимерно-композиционных трубопроводов в нефтегазовой промышленности, сельском и водном хозяйстве, жилищно-коммунальном хозяйстве. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены такие задачи, как «...реализация целевых программ по развитию и модернизации инженерно-коммуникационной и социальной инфраструктур»¹. Реализация этой задачи, в том числе разработка

¹ Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года "О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан"

динамических методов, алгоритмов и вычислительных программ для решения задач вибрационного процесса в нефтегазовой отрасли, предприятиях водоснабжения и гидротехнических сооружений, имеет большое научное значение.

Данное диссертационное исследование направлено на реализацию целей, сформулированных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему Развитию Республики Узбекистан», Постановлениях Президента № ПП-4708 от 7 мая 2020 года «О мерах по повышению качества образования и развитию научных исследований в области математики», № ПП-4388 от 9 июля 2019 года «О мерах по стабильному обеспечения экономики и населения энергоресурсами, финансовому оздоровлению и совершенствованию системы управления нефтегазовой отраслью», № ПП-3286 от 25 сентября 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы охраны водных объектов» и других нормативных правовых актах, связанных с этой деятельностью.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики IV. «Математика, механика, сейсמודинамика конструкций и информатика».

